

## ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИДАГИ ТАРИХИЙ КУН

2019 йил 1 февраль куни Ўзбекистон суд тизимида тарихий кун сифатида қайд этиладиган бўлди. Сабаби, шу куни Ўзбекистонда биринчи марта ташкил этилган Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 6 январда имзоланган “Судьялик лавозимлариға номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Конунчилик палатаси депутатлари, бир қатор хорижий мамлакатларнинг элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар мутасаддилари, Судьялар олий кенгаши аъзолари, Олий суд ва Конституциявий суд судьялари, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар, олий ўқув муассасалари, шунингдек жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари катнашди.

